



ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИ ЯХШИЛАШ ОРҚАЛИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Имомов Фарход¹

¹ ИБ-1К гуруҳ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5815082>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20-dekabr 2021

Ma'qullandi: 25-dekabr 2021

Chop etildi: 30-dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

*Инвестиция, хорижий
инвестициялар,
тўғридан-тўғри
хорижий инвестициялар,
инвестицион муҳит,
инвестор, модернизация,
ҳаракатлар
стратегияси,
Глобализация, Сингапур,
корхона, ҳудуд.*

ANNOTATSIYA

*Ушбу мақолада иқтисодиётимизга хорижий
инвестицияларни жалб қилиш жараёнида инвестицион
муҳитни яхшилаш бўйича амалга ошириш чора-тадбирлари
ва хориж тажрибалари таҳлил этилган.*

Кириш

Мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг аҳамияти юқорилигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу эса, ўз навбатида, илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда

мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имкониятини яратади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хорижий инвестициялар жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳар бир инвестор учун мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш, унинг имкониятларини ҳисобга олиш муҳим масалалардан бири саналмоқда. Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини мунтазам равишда яхшилаб



боришни таъминлаш устувор вазифадир. Бунда давлатнинг асосий вазифаси капитал жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва унинг жозибadorлигини ошириш билан изоҳланади. Маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти тараққиётида инвестициялар муҳим аҳамиятга эга.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи муҳим йўналишида - халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Инвестиция муҳитининг жозибadorлиги хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

“Инвестиция муҳити” ва “инвестиция иқлими” синоним тушунчалар сифатида ишлатилади. Бу хусусда иқтисодчи-олимлардан Д.Ғозибеков ва Т.Қоралиевлар томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: “Инвестиция иқлими жуда кенг маънода ишлатилadиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу

билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади”. Шунингдек, иқтисодчи олимлар К.Эклунд, Ж.Кейнс, М.Сорнаражах, В.Н.Щербаков, К.В.Балдин, В.М.Аскинадзи, В.Ф.Максимов, Э.С.Хазанович, Али Салим, Муҳаммад Реза Разави, Лиу Ванг ва Н.Г.Каримов, Д.Ғ.Ғозибеков, А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажикабиев, Н.Г.Муминов, М.А.Раимжонов, Б.С.Маматов, Ш.И.Мустафакулов, Д.Ю.Хўжамкуловларнинг илмий ишларида инвестицион муҳит жозибadorлиги, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш муаммоларига бағишланган масалалар кўриб чиқилган.

Таҳлил ва натижа

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фаол инвестицион сиёсатни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаган сўзларини келтириш ўринлидир: “Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини кучайтириш масаласига биз алоҳида устувор аҳамият қаратамиз. Хорижий сармояларни ва илғор технологияларни иқтисодиётга жалб этиш учун чет эллардаги дипломатик ваколатхоналаримиз жиддий иш олиб бориши лозим. Бунинг учун Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини кучайтириш, чет мамлакатлардаги элчиларимиз нафақат сиёсий, айни вақтда юртимизга инвестицияларни жалб қилиш масалалари билан ҳам фаол шуғулланишлари даркор”.



Жаҳон ҳамжамиятида глобализация жараёни кечмоқда. Глобализация жараёнига қўшилиш бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир. Шу нуқтаи-назардан Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида бугунги кунда ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида географик жойланиши, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган инвестиция сиёсати ва бошқалар билан муҳим рол ўйнайди. Бу эса, ўз навбатида, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай инвестиция муҳити барпо этиш заруриятини кўрсатади. Шу мақсадда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан инвестицион муҳитнинг жозибadorлигини ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 2018 йил 2 августда эълон қилинди. Ушбу фармонга кўра:

-Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтириш ҳуқуқи берилди;

-чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдори 30 фоиздан 15 фоизгача камайтирилди;

-чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг иштирокчиси сифатида хорижий юридик шахс қатнашиши шартлиги тўғрисидаги талаб ҳам бекор қилинди;

-чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондининг энг кам миқдори 600 миллион сўмдан (камида 76 минг доллар) 400 миллион сўмгача (50 минг долларга) камайтирилди;

-шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мамлакат иқтисодиётининг устувор соҳаларига катта миқдорда инвестиция киритган чет эл фуқароларига “Фахрий фуқаро” мақомини бериш тартибини жорий этиш бўйича таклифлар киритиши талаб қилинди;

-қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

-кўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий кўнгилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) қуриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш.

Бундан ташқари “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунида ўз аксини топган Ўзбекистонда инвесторлар учун солиқ оғирлигини пасайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган солиқ



сиёсати ва солиқ-тариф бошқаруви ислохотлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда тўпланган бой тажрибалар, амалга оширилган ислохотлар, қабул қилинган қарорлар ва чора-тадбирларнинг туб моҳиятини ўрганиш, ютуқ ва камчиликларини илмий жиҳатдан танқидий таҳлил қилиш миллий иқтисодиётимизнинг тараққиёти учун ҳар томонлама дастак вазифасини ўтайди. Бинобарин, халқаро майдонда мавжуд бўлган бой тажрибалар, замонавий тенденциялар йилдан-йилга такомиллашиб, ўзгариб бормоқда. Хусусан, инвестицияларни жалб этиш, уларни экспорт ва импорт қилиш, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, инвестицион фаоллик ва рақобатбардошликни ошириш билан боғлиқ масалалар шулар жумласига киради.

Республикада хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини ривожлантириш орқали ички бозор сифатли маҳсулотлар билан таъминланади, бу тадбир корхоналаримизнинг халқаро бозорга чиқишига ёрдам беради. Ҳозирда юртимизда кўплаб хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тузилмоқда ва улар турли хил тармоқларда фаолият кўрсатмоқда. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонининг ўсиб бориши, энг аввало, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фаолиятининг қонуний асослари такомиллашиб бораётганлиги билан изоҳланади. Республикадаги фаолият олиб бораётган хорижий инвестициялар


иштирокидаги корхоналар ҳақидаги маълумотларга қарайдиган бўлсак Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2020 йил 1 феврал ҳолатига чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони 11 мингтани ташкил этди. Ҳисоботда таъкидланганидек, 10,6 мингта ёки 96,1% корхона фаол. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 мингтага ёки 37 фоизга ошди. 2020 йил январ ойида республикада чет эл капитали иштирокидаги 255 та корхона ташкил этган. Бундай корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси (1864), Туркия Республикаси (1690), Хитой Халқ Республикаси (1306), Қозоғистон (827), Корея (824) ва бошқа давлатлар ҳиссасига (766) тўғри келади.

Қайд этиш жоизки, дунё давлатларида хорижий инвестицияларни жалб этишда қулай инвестиция муҳит яратиш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар яратиш устувор вазифалар сифатида белгилаб олинган.



Қуйида келтирилган 1-расмга қарайдиган булсақ, жамғарилган ТТХИлар, 2018-2019 йиллар учун 20 та энг юқори рейтингга эга бўлган мамлакатлар орасида 5 ўринни Сингапур давлати эгалаган бўлиб, 2019

йилда 92 млрд.доллар ҳисобида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қабул қилган.



1-расм. Жамғарилган ТТХИлар, 2018-2019 йиллар учун (20 та энг юқори рейтинггаэга бўлган мамлакатлар мисолида), млрд. АҚШ долларарида

Бу ютуқларга эришишининг асосий омилини қуйидагича изоҳлашимиз мумкин: Сингапур давлатининг ривожланиш йўли, қўлга киритган “Иқтисодий мўъжизаси” билан шуғулланган барча олимларнинг фикри бир муҳим нуқтага бориб тақалади. У ҳам бўлса, Сингапурда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги.

Мамлакатимизга қулай инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида ривожланган хорижий давлат

тажрибаларидан фйдаланиш орқали янада юксак ютуқларга эришиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, инвестицияларни жалб қилишда жаҳон тажрибаларини ўрганиш, улардан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг қайси тармоқ ва соҳаларига инвестиция киритиш лозимлигини тўғри аниқлашга ёрдам беради.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиб



мамлакатимизда куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўларди:

-банк-кредит тизимининг такомиллаштириш;

-мамлакатимиз вилоятларида инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган ҳудудий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш;

-маъмурий-бюрократик тўсиқлар (кўплаб хорижий компаниялар ўз

фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ва рухсат олиш тартиб-қоидаларидан норози) бартараф этиш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган истиқболли инвестиция лойиҳаларини қўллаб қувватлаш бўйича Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Япония каби мамлакатлар тажрибаларини кўпроқ қўллаш.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230) сони.
2. <http://lex.uz>, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент:Vaktria press, 2017.-320 б.
4. Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: «Иқтисод -молия», 2007. – 92 б.
5. Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ваҳалқаро иқтисодий муносабатлар: дарслик. -Т.: Vaktria press, 2015. -584 б.
6. UNCTAD, World Investment Report 2013. 9 p.
7. OECD International direct Investment statistics database. September 2012.
8. Штульберг Б.М., Введенский В.Г. Региональная политика России: теоретические основы, задачи и методы реализации. –М.: ГЕЛИОСАРВ, 2000,с.79.